

## ВЕРТИКАЛ КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ

Жонузаков А. Э., Жонузакова Г. А.

СамДАҚИ

### ARTICLE INFO.

#### Ключевые слова:

Пергола, трельяжи, опорные конструкции, лиана, вьющиеся растения, ампельные растения.

### Аннотация

В данной статье дается краткое описание конструктивно-структурные особенности вертикального озеленения, применение на них декоративных растений, виды лиан.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Декоратив эффектга эришиш учун ва бинолар, дам олиш майдонлари, болалар майдончаларини шовқиндан, шамолдан ва жазирамалардан ҳимоя қилиш учун *вертикал кўкаламзорлаштириш* қўлланилади. Вертикал кўкаламзорлаштириш билан нисбатан қисқа муддатларда тиғиз манзаравий вертикал деворлар ёпмалари (сухбатгоҳ, тиргак деворлар ва б. иншоотлар) яратиш анча осон ва қулай. Бундай кўринишдаги кўкаламзорлаштириш учун гуллари, мевалари ва баргининг ранги ва фактураси турли туман шаклдаги чирмашиб ўсувчи кўпйиллик ўсимликлар - лианалар қўлланилади. Улардан кўпчилиги осон кўпайтиради.



Панжарали тўсиқларни чирмашувчи гуллар билан безаш

1-трельаж конструкциясида; 2-бирон тиргакда; 3- сибагаз тортилган деворда.

Вертикал кўкаламзорлаштириш ўсимликларини жойлаштириш учун махсус тиргакларни ўрнатиш лозим бўлади. Чирмашиб ўсувчи лианалар учун – бу турли панжаралар, каркаслар, трельяжлар, перголалар, тахта тўрлар мос келади. Чирмашиб ўсувчи лианалар учун тиргакларни деворларга тиғиз қилиб ўрнатиш ярамайди, чунки ўсимлик учининг эркин ҳаракати учун фазо бўлиши лозим. Тиргаклар қалинлиги 5...8 см дан катта, яъни лиана тиргакдан сакраб ўтмаслиги, тана диаметридан ошиб кетмаслиги керак. Вертикал кўкаламзорлаштириш бино ва фасадларга кўшимча манзара бағишлайди. Шунинг унутмаслик керакки, уларни жанубий ва ғарбий фасадларда ва бино деразасиз деворларида қўллаш мақсадга мувофиқ, чунки у бинони қизиқ кетишдан ва шовқинлардан ҳимоя қилади.

Вертикал кўкаламзорлаштириш гулли композициялар учун яхши фон ҳисобланади.

Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштиришда чирмашиб ўсадиган ўсимликлар алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса янги қурилган биноларда буларнинг аҳамияти беқиёс, чунки янги экилган дарахт ва буталар ҳали яхши ўсиб, ривожланмаган бўлади. Қурилишлар ниҳоясига етказилган даврда, чирмашиб ўсадиган ўсимликлардан яшил манзара ҳосил қилиши учун фойдаланиш кўкаламзорлаштиришнинг асосий воситаси ҳисобланади.



*Перголанинг ток ёки ёввойи ток билан безалиши.*

Тўсиқ деворларини ҳамда уйларнинг деворлари ва балконларни уйғунлашган вертикал кўкаламзорлаштириш уй-жойларга чирой ва хушманзара бағишлайди.

Чирмашиб ўсадиган ўсимликлар биноларга кириш жойларини безаб, уларни манзарали ва қулай қилиб кўрсатади. Бино деворларини, бурчакларини вертикал кўкаламзорлаштиришда яшил ўсимликлардан усталик билан фойдаланилганда, уларнинг архитектура кўриниши янада кўркем бўлади. Биноларнинг кўримсиз бўлган ёнбош қисмларини беркитишда ҳам чирмашувчи ўсимликлар катта аҳамият касб этади.

Аммо, ўсимликларнинг ҳаддан ташқари кўп бўлиши, бино архитектура қисмларини ёпиб қўйиши мумкин. Яшил ўсимликлар ғишт, керамика фактурасини ёпиб қўймаслиги керак. Фақатгина юқори қуёш радиацияси тушадиган жойлардагина бинолар деворларини яшил чирмашувчи ўсимликлар билан бутунлай беркитиб қўйиш мумкин. Бундай усул аксарият

холда касалхона ва санаторийларда қўлланилади.

Чирмашувчи ўсимликлар кичик ва катта айвончаларни безатишда кўпроқ ишлатилади. “Қарама-қарши кўкаламзорлаштириш” услуби ҳам борки, бунда пастдан юқорига чирмашиб ўсаётган ўсимликлар рўпарасидан тепадан ампел деб номланган, яъни юқоридан пастга тушаётган яшил ўсимликлар ўстирилади. Улар карниз тагида маҳкамлаб жойлаштирилган яшикчалардан ўсиб чиқади. Ушбу услуб кўп қаватли биноларни вертикал кўкаламзорлаштиришда қўлланилади, бу холда яшил ўсимликлар бинолар

карнизлари остида ва баландликда жойлаштириш мумкин.

Хиёбон ва истироҳат боғларида, шунингдек, катта турар жой биноларида чирмашувчи ўсимликлардан боғ айвончаларини безатишда, ҳамда яшил галереялар ва тонеллар барпо этишда қўлланилади. Бу ўсимликлар учун ҳар хил махсус тирговучлар ясалади. Кўпинча бу тирговучлар ўзаро боғланган ёғоч рейкалар, сим ёки шпагатдан иборат бўлади.



*Перголага чирмашувчи атиргулнинг жойлаштирилиши.*

Вертикал кўкаламзорлаштиришда қуйидаги ўсимликлардан фойдаланиш мумкин:

- **ёғоч поялилардан** – ёввойи ток (виноград девичий пятилисточковый), амур ёввойи токи (виноград амурский) ва маданий токнинг (виноград культурный) кўмилмайдиган навлари, амур токи, илонпечак (ломанос), учқат (жимолост-каприфол), актинидия, қирқазон (қирказон, аристолохия), плюш, чирмашувчи ва ўралувчи атиргуллар (розы вьющиеся и плетистые);
- **ўтсимонлардан** – хитой лимонниги (лимонник китайский), настурция, печакгул (ипомея), япон қулмоғи (хмел японский);
- **Бир йилликлардан** – томошақовоқ ёки идишқовоқ (лагенария), хушбўй нўхат (душистый горошок) ва турк декоратив ловияси (фасол турецкий декоративный). Аммо ушбу ўсимликларнинг тўлиқ манзарали кўриниши ёзнинг ўрталарида ёки кузда намоён бўлади.

Аксарият чирмашувчи ўсимликларга махсус тирговуч қурилмалар керак бўлса, айримларида: плюш, ломонос ва бошқаларида бино деворларига ёпишиб ўсадиган мосламалари мавжуд.

Улардан фойдаланиб ўзига хос архитектуравий шакллар – пирамидалар, трельяжлар, гирляндлар, равоқ(арка)лар яратилади.

### **Адабиётлар**

1. А.Қ.Қайимов. Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш. Тошкент, 2012.
2. М.Ф.Киреева, В.Ф.Грязева. Цветоводства в сельской местности. Москва. "Росагропромиздат". 1989.
3. Н.Я.Крижановская. Основы ландшафтного дизайна. Ростов-на-Дону. «Феникс». 2005.